Ватан севмак иймондандур!

# Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

1993 йил 26 январь, сешанба

Нархи: 5 сўм

№ 18 (21.372)

МИНСК УЧРАШУВИ:

# ҲАМДЎСТЛИК ЯШАЙДИ!



Ўзбекистон делегацияси аъзолари давлат ва ҳукумат бошлиқлари мажлисида.



И. А. Каримов билан С. С. Шушкевич мухбирларга интервью беришмоқда. А. ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар.

*Станислав ШУШКЕВИЧ:*

## «ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ ХУШАХЛОҚ СИЁСАТ ЎТКАЗМОҚДА»

**Мустақил давлатлар ҳамдўстлигининг олий даражада Минскда ўтказилган учрашуви ниҳоясига етди. Кўпдан-кўп нохуш тахминларга қарамай, бу Ҳамдўстлик барҳам топиш бир ёқда турсин, ҳатто ўз мавқеини мустаҳкамлади. Бу — ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг Беларусь пойтахтидаги учрашувдан кейин чиқариш мумкин бўлган энг муҳим хулосадир. Илгари олий даражада ўтказилган ҳамма учрашувлардан фарқли ўлароқ сўнгги учрашув энг муҳим сиёсий ва иқтисодий масалаларни амалий равишда вазмин ҳал этганлиги билан ажралиб туради.**

Суверен республикаларнинг давлат ва ҳукумати бошлиқлари муҳокамасига 14 та масала киритилган эди. Уларнинг ҳаммаси ҳамдўстликдаги ҳар бир мустақил давлат учун ҳаётий муҳим эканини таъкидласак муболаға бўлмайди. МДҲнинг Низоми, давлатлараро банк ва иқтисодий ҳамкорлик Маслаҳат Кенгашини тузиш, стратегик ядро кучларини тақсимлаш, Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегарани мустаҳкамлаш учун МДҲнинг тинчлик ўрнатувчи ҳарбий бўлинмаларини юбориш, фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллигини нишонлаш энг муҳим масалалар жумласига кирар эди. Кўпгина муаммолар юзасидан келишиб олинди. Бунинг маъноси шуки, мустақил давлатларнинг раҳбарлари музокарадошларнинг фикри ва далилларига кўпроқ вазминлик ва хайриҳоҳлик билан қарай бошладилар. Аммо бундан келишувчилик сиёсати тактикаси танлаб олинди, деган маъно чиқмайди. Ҳар бир раҳбар ўз давлати ва халқининг манфаатини кўзлаб иш тутганлиги табиий.

— Ҳозирги ривожланиш босқичида Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги зарур, — деб ҳисоблайди Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ислом Каримов. — Собиқ Иттифоқ республикалари ҳозир жиддий иқтисодий қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шу сабабли ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилмасдан бошқа илож йўқ. Аммо шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, икки томонлама муносабатлар шундай ҳамкорликнинг негизи бўлиши мумкин ва лозим. СССРни ҳар қандай тарзда қўмсашга мутлақо қаршиман. Тарих ғилдирагини орқага буриб бўлмайди.

Ўзбекистон Президентининг фикри Минскдаги МДҲ биноси ёнига йиғилган намойишчиларнинг фикрига кўп жиҳатдан мос келади. Бу ерда ўта ўнг партиялардан тортиб либерал партияларгача бўлган кучларнинг намоёндалари бор эди. Биз Ўзбекистон телевидениеси гуруҳи билан биргаликда социология сўрови ўтказдик. Бу сўров Иттифоқни қайта тиклашдан ҳеч бир маъно йўқ, деган аниқ-равшан хулоса чиқариш имконини берди. Мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни бирон-бир марказнинг ва оғаларнинг кўрсатмасисиз, сифат жиҳатдан янги, маърифатли асосга қуриш зарур.

Бироқ кенгашнинг ўзига қайтайлик. Беш Президентнинг Тошкент учрашуви бу кенгашнинг руҳини белгилаб берди, деса бўлади. Ўша учрашувда Марказий Осиё давлатларининг кучлари бирлаштирилажаги эълон қилинган эди. Борис Ельцин ҳам, Леонид Кравчук ҳам бу қарор қабул этилиши муҳимлиги ҳақида гапирдилар. Улар минтақа бозори мустақил давлатлар учун манфаатли эканини тан олишди. Ҳар бир мамлакат танглиқдан қутулиш учун ўз йўлини излаётганлиги мутлақо табиийдир. Бу хусусда Беларусь Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Станислав Шушкевич жуда аниқ гап айтди. Учрашув арафасида икки мамлакат раҳбарлари дипломатия муносабатлари ўрнатиш ва савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартномаларни имзоладилар.

— Илгари биз Ислом Каримов билан МДҲ доирасида давлатлар ўртасидаги муносабатларни қандай йўлга қўйиш ҳақида бир неча бор гаплашган эдик, — деб таъкидлади Беларусь парламентининг бошлиғи. — Бизнинг фикримиз тўғрилигини замоннинг ўзи исботлади. Мен Ислом Каримов билан дўст бўлганимга фахрланаман. У хушахлоқ сиёсат ўтказмоқда.

Сўнгра, Станислав Шушкевич гўё Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари бузилаётганлиги ҳақидаги саволга жавоб қайтариб, бундай юзаки мулоҳазалар учун ҳеч қандай аниқ асос йўқлигини қатъий қилиб айтди. Эгамен республикадаги вазиятни, кучларнинг ҳақиқий мавқеини билмай туриб, асоссиз гапларни айтиш ярамайди.

Оммавий ахборот воситаларида учрашувда имзоланган ҳужжатлар жуда батафсил баён этилди. Бу ҳужжатларнинг ҳаммаси асосан иқтисодий аҳволни барқарорлаштиришга, танглик жараёнларини тезроқ бартараф қилишга қаратилган. Ҳар бир давлат бу муаммоларни якка-якка ҳал эта олмаслиги мутлақо равшан. Буни исботловчи мисоллар кўп. Ўз валютасини шоша-пиша жорий этиб, ҳамдўстлик давлатларидан ажралиб қолаётган Украинани айтишнинг ўзи кифоя қилади. Аммо иқтисодиёт сиёсат билан чамбарчас боғлиқлиги маълум. Давлатларнинг бошлиқлари кўпгина муҳим муаммолар, аввало Тожикистон хусусида бир тўхтамга келдилар.

Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев бу тоғли ўлкадаги биродаркушлик урушини тўхтатиш, аҳволни нормал изга солиш соҳасида изчил сиёсат ўтказиб келмоқдалар. Ҳамдўстликдаги бошқа давлатларнинг бошлиқлари уларнинг йўлини қўллаб-қувватладилар. Ўзбекистон Республикасининг бошлиғи ҳозирги вақтда Тожикистон билан Афғонистон ўртасидаги чегараларнинг унчалик мустаҳкам эмаслиги нохуш оқибатларга олиб бориши мумкин ва бу оқибатлар қўшни давлатлардаги вазиятгагина эмас, ҳатто Россиядаги вазиятга ҳам салбий таъсир қилади, деган фикрни исботловчи далилларни неча марталаб айтган эди. Шу сабабли Минскда Тожикистон — Афғонистон чегарасини мустаҳкамлаш учун ўн кун мобайнида ҳамдўстлик мамлакатларининг тинчлик ўрнатувчи кучлари қўшимча қисмларини юборишга қарор қилинди.

.. Шундай қилиб, ҳамдўстлик мамлакатлари давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги Минск учрашуви ниҳоясига етди. У ерда қабул этилган қарорлар шу заҳотиёқ самара бера олмаслиги равшан. Ҳеч ким бунга умид ҳам қилаётгани йўқ. Энг муҳими шуки, аниқ ҳамкорлик нишоналари кўрина бошлади. Шундай ҳамкорликсиз давлатларимиз аҳолисининг турмушини яхшилаб бўлмайди.

**Л. ЛЕВИН,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Минск.**

## ҚАРДОШЛИГИМИЗ БАЙРАМИ

### КЕЧА ЎЗБЕКИСТОНДА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ




ЎЗБЕКНИНГ улуғ донишмандлари азал-азалдан қорақалпоқнинг ҳам алломалари — қорақалпоқ ботирлари эса ўзбекларнинг ҳам ғурури. Қадим-қадим замонлардан буён икки халқ бамисоли эгизак. Амударё сувини бирга ичган, Қизилқум саҳроларини бирга кечган, Зеро, яқиндагина Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти Нукуснинг 60 йиллик тўйи ўзбек халқининг ҳам шодиёнасига айланган бўлса, Тошкентда, қолаверса, бутун республикада бошланган Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари чин қардошлигимиз намойишидир. Илдизи бир бўлган икки халқ маданияти янада мустаҳкам боғланаётган шу қутлуғ кунларда республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Қорақалпоқ — ўзбек адабий ва маданий алоқалари халқларимизнинг ўтмиши, тили, жуғрофий шарт-шароити каби бир-бирига яқин ва узоқ тарихга эга», — деган ҳаққоний сўзлари беихтиёр ёдга тушади.

КЕЧА азиз меҳмонларимиз — Қорақалпоғистон маданияти кунлари қатнашчилари Тошкентга етиб келдилар. Эрта тонгданоқ байрамона безатилган «Тошкент—2» аэропорти одатдагидан гавжум. Бу ерда қорақалпоғистонлик меҳмонларни самимий қутлаб, очиқ чеҳра билан кутиб олиш учун шаҳар жамоатчилиги вакиллари йиғилган, ранго-ранг матоларга ўзбек ва қорақалпоқ тилларида ёзилган «Маданият кунлари — дўстлик байрами!» ва «Маданият кунлари қатнашчиларига алангали салом!» каби шиорлар катта тантаналардан дарак бериб турибди.

«ТУ-154» ҳаво кемаси ерга оҳиста қўнди. Меҳмонларимиз карнай-сурнай садолари остида бирин-кетин туша бошлашди. Улар орасида Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. Аширбеков ҳамда Қорақалпоғистон Министрлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев ҳам бор эди. Таомилга кўра меҳмонлар тузу насибамиз бўлган ширмой нонлар билан қарши олинди. Миллий либосларда раққосалар рақсга тушиб, куй ва қўшиқлар янграйди.

Меҳмонлар сафида Қорақалпоғистон ҳукумати раҳбарлари, халқ депутатлари, олимлар, адиблар ва санъаткорларни кўрамиз. Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташкилий қўмита раиси М. Қ. Қорабоев ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси У. А. Аширбеков табрик нутқи сўзладилар. Қардошлик байрами бошланиши муносабати билан шу жойнинг ўзида бир нечта тадбирлар бўлиб ўтди. Кутиб олиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими А. И. Фозилбеков, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси ўринбосари Б. И. Бугров қатнашдилар.

* * *

АНЖУМАН қатнашчилари кундузи Тошкентнинг муқаддас зиёратгоҳи Ўзбекистон миллий боғига йўл олдилар. Бу ерда шеърият мулкининг султони Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйиш маросими бўлди. Мутафаккирнинг улкан маънавият ҳазинаси айни чоғда қорақалпоқ халқининг ҳам мулкидир. Қалби ёниқ шоир Бердақ «Навоийдан савод очдим» деганда минг бор ҳақ эди. Маросим чоғида ўзбек ва қорақалпоқ адабиётларида ёрқин из қолдирган Бобур, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон, Кунхўжа Ажиниёз, Бердақ сингари улуғ сиймолар кўз ўнгимизда беихтиёр гавдаланади. Гуллар қўйиш чоғида икки ўлканинг таниқли олимлари, адиблари, санъаткорлари ва маданият ходимлари чин дўстлигининг шоҳиди бўлдик.

Икки халқ қардошлиги шодиёналари бошланадиган марказлардан бири Тошкентнинг қоқ марказидаги Алишер Навоий номидаги Катта театр майдонидир. Бу жойдаги фаввора атрофига қорақалпоқ ўтовлари ўрнатилган. Бу ерда қардошларимизнинг халқ ҳунармандчилиги намуналари ва миллий пазандалиги кўз-кўз этилмоқда.

Соат 17.00 га яқин санъат кошонаси—театр биноси томон одамлар оқими келмоқда. Бу ерда Қорақалпоқ болалари бадиий ижодиёти намуналари кўргазмаси кўпчиликнинг диққатини жалб этди. Унда қўйилган расмлар ва буюмлар истеъдодли авлод етишиб чиқаётганлигидан ҳикоя қилади.

Театр томоша зали байрамдагидек безатилган. Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Давлат байроқлари файзли кўринади. Саҳна тўрига саватларда гуллар қўйилган. Тантанали очилиш маросими яқинлашмоқда. Президиумдан Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон давлат раҳбарлари, атоқли маданият арбоблари, ишлаб чиқариш илғорлари жой оладилар. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, ташкилий қўмита раиси М. Қ. Қорабоев қисқача кириш нутқи сўзлаб, Ўзбекистон Республикасида Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари бошланишига бағишланган тантанали маросимни очиқ деб эълон қилади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов нутқ сўзлаб, икки ўлка, икки халқнинг абадий бузилмас қон-қардош дўстлиги ҳақида гапиради. У жафокаш кўҳна ўлканинг бундан буён гуллаб-яшнаши йўлида қилинаётган ғамхўрликлар ҳақида гапирди.

Шундан кейин Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси, Ўзбекистон халқ депутати Уббиниёз Аширбеков ўзбек ва қорақалпоқ халқларининг қардошлиги, икки халқ ўртасидаги алоқалар турмушнинг барча соҳаларида барқ уриб ривожланаётганлиги тўғрисида сўзлади.

Тантанали маросимда Ўзбекистон халқ шоирлари Иброҳим Юсупов, Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ ёзувчиси П. Қодиров ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист М. Сапаева улуғ дўстлик алоқалари ҳақида гапирдилар.

Ўзбекистонда Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари очилишига бағишланган тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Раиси Ш. Йўлдошев, Қорақалпоғистон Республикаси Министрлар Кенгашининг Раиси Р. Йўлдошев ва Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков қатнашдилар. Халқларимиз миллий урф-одатига кўра қимматбаҳо совға буюмлари айирбошланди.

Танаффусдан кейин Қорақалпоғистон Республикаси санъат усталари ва ижодкор ёшлари ижросида катта концерт намойиш этилди.

ЎЗБЕКИСТОНДА Қорақалпоғистон Республикаси маданияти кунлари тадбирлари ҳар бир санъат кошонасига, олий ўқув юртларига, маҳаллаларга кириб бормоқда. Бу катта тадбирнинг ҳар бир қадами қутлуғ ва муборакдир.

Хуш келибсиз, азиз қорақалпоқ биродарларимиз ўзбек юртига, яъни ўз уйингизга! Ўзбекнинг хонадони сизнинг қўноғингиздир! Қадамингизга ҳасанот, жондош-қондош биродарларимиз!

**Абдулла ПЎЛАТОВ,**
**Тўлқин ЭШБЕКОВ,**
**«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбирлари.**

## ВАТАН СЕВМАК ИЙМОНДАНДУР

Мустақил Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси турли жамоат ташкилотлари ва сиёсий партияларнинг демократик ҳуқуқлар доирасида фаолият кўрсатиши учун муайян имкониятлар очиб берди. Жамиятни кўп партиялилик асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ эканини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди.

Республика «Ватан тараққиёти» партиясининг Тошкентда бўлиб ўтган иккинчи қурултойида ана шу ҳақда гап борди. Унда партиянинг вилоят ва туман бўғинларидан сайланган делегатлар иштирок этдилар.

Республика Президентининг давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов анжуман қатнашчиларини Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов номидан табриклади.

Анжуманда партиянинг Бош котиби Усмон Азим эндигина бир ёшга тўлаётган ташкилотнинг фаолияти ва режалари ҳақида маъруза қилди.

Президентимиз Ислом Каримов, деди нотиқ, Ўзбекистон ўз истиқлол ва тараққиёт йўлига эга эканини қалбларимизга қуйди.

Республика Конституциясининг қабул қилиниши Ўзбекистон халқлари ҳаётида муҳим сиёсий воқеа бўлгани аён. «Ватан тараққиёти» партияси фаолиятининг бош йўналиши ҳам Асосий Қонунга изчил амал қилишдан иборатдир.

Маълумки, ҳар бир мустақил давлатнинг ўз тимсоллари бўлади, деди нотиқ сўзида давом этиб, менинг назаримда, бизнинг бугунги тимсолларимиздан энг муҳимлари — қабул қилинган Конституция ва умумхалқ томонидан сайланган президентдир. Ўз тимсолларини эъзозлаган халқ ҳеч қачон парокандаликка ва бошбошдоқликка маҳкум бўлмаган. Шу ўринда Ислом Каримовнинг қуйидаги ибратли сўзларини яна бир карра эслатиб ўтмоқчиман. «Мамлакатимиз тупроғида яшаб, ўзини ватанпарвар деб ҳисоблаган ҳар бир киши унинг яхлитлиги ва бирлигини асраб-авайлаши шарт». Бунинг маъноси шуки, Ватанни ардоқлаган ҳар бир фуқаро юрт осойишталиги ҳақида қайғурмоғи лозим. Зеро, Ватан севмак — иймондандур.

Қабул қилинган қарорда «Ватан тараққиёти» партияси бошланғич ташкилотлари фаолиятини яхшилаш, айниқса, аъзолар ўртасида фирқавий интизомни мустаҳкамлаш вазифалари белгилаб олинди, партиянинг бош нашри ҳисобланмиш «Ватан» рўзномасининг республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида тутган ўрнини янада ошириш лозимлиги таъкидланди.

Анжуманда ташкилий масала ҳам кўриб чиқилди. «Ватан тараққиёти» партиясининг раиси этиб Усмон Азим, партия Марказий Кенгашининг Бош котиби қилиб Ш. Жўраев сайланди.

**П. НИШОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РАЁСАТИДАН

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати Фарғона Давлат дорилфунунининг проректори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Олий Кенгаш Фан ва экология масалалари қўмитасининг аъзоси **Алимардон АБДУЛҲАМИДОВ**нинг 1993 йил 24 январь куни 57 ёшида бевақт вафот этганини чуқур қайғу билан маълум қилади ва унинг қариндош-уруғлари ҳамда яқинларига ҳамдардлик изҳор этади.

